

ЎЗБЕК ТАНҚИДЧИЛИГИДА АДАБИЙ ОБЗОРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Жамолова Зилола Низомовна

БухДУ тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6981500>

Аннотация. Мақолада адабий танқиднинг фаол жанрларидан бири адабий обзорнинг ўзбек адабиётишунослигидаги тарихи ҳақида фикр юритилади. Ўзбек адабий танқидчилигида XX асрнинг бошларидаёқ бир қанча жанрлар шаклана бошлаган, унинг турли намуналари яратилган. Тақриз, мақола, адабий портрет каби жанрлар билан бир қаторда адабий обзорлар ҳам давр адабий жараёнида фаол бўлган. Адабий танқид бадиий асарларни халқ ҳаёти, унинг ҳозирги кундаги эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан ўрганиши, баҳолаши, фазилат ва нуқсонларини аниқлаб, ёзувчиларнинг ижодий ўсишларига ва адабиётнинг ривожланишига қўмаклашиши жиҳатидан қарганда адабий обзорлар ҳам худди шу вазифаларни бажаришда фаоллиги кўринади. Уларнинг тарихий тараққиёти XX асрнинг бошларига бориб тақалади.

Калит сўзлар: адабий танқид, жанрлар, адабий обзор, шарҳ, танқидчи, генезис, обзорчи, адабий муаммо.

ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИТЕРАТУРНОГО ОБРАЗА В УЗБЕКСКОЙ КРИТИКЕ

Аннотация. В статье рассматривается история литературоведения, одного из активных жанров литературной критики, в узбекском литературоведении. В начале 20 века в узбекском литературоведении стали формироваться несколько жанров, созданы различные его образцы. Наряду с такими жанрами, как рецензии, статьи, литературные портреты, литературные обзоры также активно участвовали в литературном процессе того периода. Литературная критика изучает, оценивает и выявляет достоинства и недостатки художественных произведений с точки зрения жизни людей, их текущих потребностей и запросов, поддерживает творческий рост писателей и развитие литературы. Их историческое развитие относится к началу 20 века.

Ключевые слова: литературоведение, жанры, рецензия, рецензия, критик, генезис, рецензент, литературная проблема.

WAYS OF FORMING A LITERARY IMAGE IN UZBEK CRITICISM

Abstract. The article deals with the history of literary criticism, one of the active genres of literary criticism, in Uzbek literary criticism. At the beginning of the 20th century, several genres began to form in Uzbek literary criticism, and various examples of it were created. Along with such genres as reviews, articles, literary portraits, literary reviews also actively participated in the literary process of that period. Literary criticism studies, evaluates and identifies the merits and demerits of works of art from the point of view of people's lives, their current needs and demands, supports the creative growth of writers and the development of literature. Their historical development dates back to the beginning of the 20th century.

Keywords: literary criticism, genres, review, review, critic, genesis, reviewer, literary problem.

КИРИШ

Ўзбек адабий танқиди тарихига назар солсак, XX асрнинг бошларидаёқ унинг бир қанча жанрлари шаклана бошлагани, турли намуналари яратилганини кўриш мумкин.

Такриз, мақола, адабий портрет каби жанрлар билан бир қаторда адабий обзорлар ҳам яратилган ва ўша давр адабий жараёнида фаол бўлган.

Жорий адабий танқид замонавий бадиий асарларни халқ ҳаёти, унинг ҳозирги кундаги эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан танқид этади, баҳолайди, фазилят ва нуқсонларини аниқлайди, ёзувчиларнинг ижодий ўсишларига ва адабиётнинг ривожланишига кўмаклашади. Адабий танқидчилик мана шу вазифаларни бажаришда турли жанрлар ва шаклларга мурожаат қилади. Такриз, адабий обзор, адабий-танқидий мақола, адабий портрет, бадиа, хотира-мемуар, танқидий-биографик очерк, илмий-биографик тадқиқот сингари жанрлар анча фаол бўлиб, адабий-танқидий фикрнинг ўсишига кўмаклашиб, ўзбек адабий танқидчилигида кенг қўлланилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Адабий-танқидий қарашларни ифода этишнинг янгича шакллари XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида майдонга келди. Чунки бу даврда Туркистонда босмаҳона, янги хилдаги мактаб-гимназия кабилар очилди. Ўзбек тилида газеталар чиқа бошлади, мақола ва такризлар босилди. Бундан ташқари XX асрнинг бошларида турли хилдаги қатор ойномалар- журналлар ҳам чиқа бошлади. Буларнинг саҳифаларида ҳам адабиётга доир ҳар хил савиядаги мақолалар босилар, баҳс ва мунозаралар ташкил этиларди. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, XX асрнинг бошларида яратилган адабий-танқидий мақолаларнинг кўпчилиги публицистик характерда эди. Улар орасида ўзбек шоирлари ҳақида ёзилганлари кам бўлиб, аксарияти рус адиблари А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов ва уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотномалардан иборат эди. Мазкур мақолалардаги адабий-танқидий фикр такомилли учун қимматли маълумотлардан бири - рус адиблари асарларини ўзбек тилига таржима этиш заруриятининг қайта-қайта таъкидланганидир.

“Бу давр адабий-танқидий фикрлари том маънодаги адабий танқидий характерга эга бўлган мақолалардан кўра кўпроқ, публицистик характердаги чиқишларда ва бадиий асарларда ўз ифодасини топди. Танқидчилик функциясини публицистик мақолалар ва бадиий асарлар бажарди”[8,47]. Ҳақиқатан ҳам адабий-танқидий мақолаларнинг жанр сифатида шаклланиши кейинроққа- адабий танқиднинг мазмун ва шакл жиҳатидан бойиб бориши даврига тўғри келади. Аста-секинлик билан адабий танқид қоришиқликдан кутула бориб, дифференциялашув жараёнини бошдан кечиринишга тайёрлана бошлади. Шу жараёнда адабий обзорлар яратила бошланди.

«Туркестанские ведомости» газетаси XX асрнинг 10-йилларида рус адабиётининг келажакдаги кўриниши тўғрисида ҳам баъзи фикрларни илгари сурди. Ўзбекистонда обзор мақоланинг илк намунаси ҳам биринчи марта "Туркестанские ведомости" газетасида 1910 йили эълон қилинган эди. Бу "1909 йил ҳаёти ва адабиёти" сарлавҳали мақола бўлиб, Туркистон аҳолисини 1909 йилги рус адабий аҳволи билан таништириш мақсадини кўзлайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

XX асрнинг 20-йилларида адабий танқид ёш бўлишига қарамай адабий-тарихий жараёнда фаол роль ўйнади. Бу давр адабиёти ривожига доир кўпгина асосий масалаларни кўтарди, адабий ҳодилар, ёзувчилар ва уларнинг асарлари ҳақида муҳокама юргизди, уларга асосан тўғри баҳо берди ва шу йўл билан адабиётнинг тўғри ривожланиб боришига

таъсир кўрсатди. Бу жабҳада тақриз, мақола сингари адабий обзор жанри ҳам фаоллик кўрсатди.

“Адабий обзорда ўрганилаётган адабий ҳодисага умумий қарашлар баён этилади, ўша адабий ҳодисага дахлдор адабий далиллар изчил амалий-эстетик мантиқ асосида умумлаштирилиб, маълум умумлашма хулосаларга келинади”[1, 88]. Шундай хусусиятга эга бўлган адабий обзорларни яратиш жараёни бошланди

Ўзбек адабий танқидчилиги тарихида адабиётшунос олим Ашурали Зоҳидийнинг “Олти йиллик ўзбек адабиётига бир қараш” (1924), А.Саъдийнинг “Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти” (1924) сингари мақолаларини дастлабки адабий-танқидий обзорлар сирасида қайд этиш мумкин.

“20-йилларнинг биринчи ярмида, асосан, танқидчи сифатида кўриниш берганлардан бири А.Саъдий бўлди. У ўзининг “Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти” (“Туркистон”, 1922 йил, 7 ноябрь), “Ўзбек ёш шоирлари” (“Туркистон”, 1923 йил, 10 декабрь) сингари мақолалари билан ўзбек танқидчилигида биринчилардан бўлиб, янги давр ўзбек адабиётини ўрганиш ишини (маълум камчиликлар билан бўлса-да) бошлаб берди”[8,279]. Ўзбек адабиётшунослигида биринчи обзор мақола А.Саъдий қаламига мансублигини бу мулоҳаза ҳам тасдиқлайди.

Абдурахмон Саъдий “Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти” обзор мақоласида тўнтаришдан кейинги адабиётнинг босиб ўтган олти йиллик йўлини кўздан кечирар экан, Ҳамза, А.Қодирий каби ижодкорлар ҳақида фикр юритади, ўзбек адабиётининг бу даврида эришган ютуқларини таҳлил қилади. Ёки унинг 1933 йилда ёзилган “Ёш наслнинг биринчи ижодий қаламлари тўғрисида” ёзилган обзор мақоласида асосан ёшлар ижоди таҳлил этилади.” А.Саъдий ёшлар ижодини умумлаштириб ўрганар экан, хаваскор шоирларнинг “Учинчи бўғин” сарлавҳали шеърлар тўпламига кирган Зулфиянинг уч шеъри (“Пахта”, “Пионер”, “Колхоз кизи”) ҳақида қуйидагича ёзган эди: “Шу шеърлар ҳам бу қаламнинг тезда ўсиб кетатурган санъатчи, тез ўсиш қобилиятига эга бўлган бир қалам бўлганини кўрсатади”. Дарҳақиқат, А.Саъдийнинг бу башорати тўғри бўлиб чиқди- ёш шоирнинг ижоди тез ўсди”[14,4]. Бу мулоҳазалар адабий обзорнинг XX асрнинг бошларида шаклланиш жараёнига кирганлигини яққол намоён этади.

А.Саъдийнинг «Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти» обзори 1924 йилда ёзилган бўлиб, унда тўнтаришдан кейинги 6 йиллик йўлни кўздан кечириб, шеърий асарларни таҳлил қилиш асносида давр адабий жараёнига ҳам баҳо бергани кўринади: “Туркистон шоири кўпроқ сарой аҳли ҳам оқсуяклар шоири бўлса, кейинги олти йиллик ўзбек шеърий адабиёти, умуман, халқники бўлиш йўлида ўсади”. Шу билан бирга Саъдий ҳам ўз даврининг олими сифатида мақола, обзорларида давр руҳиятидан чиқиб кетолмайди. Бу айниқса, “Бу адабиёт йўқсул меҳнаткашларига томон юз тутиб, кенгайиб борган инқилобий бир шеър адабиётидир” деган фикрларида яққол кўринади, гарчанд бу фикрлар ўша замон учун тўғри ҳисобланган бўлса-да, бугун А.Саъдийнинг давр мафқураси чизиб берган йўлдан боргани кўринади.

Олим ўша даврнинг фаол ижодкорлари Ҳамза, А.Қодирий, Фитрат, Боту кабиларнинг асарларига баҳо беради. Тўғри, олим Ҳамза ижоди ҳақида фикр юритар экан, унинг инқилобий шеърларидан мисоллар келтириб, таҳлил қилса-да, шоир ижодини тўғри баҳолашга ҳаракат қилади. Лекин Ҳамза ҳақидаги айрим фикрлари ҳамон эскирмагани билан эътиборни тортади. Масалан, Ҳамза ҳақида шундай ёзади: “Хусусан асарларининг

кўпи ўзбекларнинг замондаги ўз турмушларидан, шу вақтдаги турли ижтимоий ҳаёт воқеаларидан олиниб ёзилган бўлмоқлари айрим диққатни жалб этиб турадир. Ўзида юрак шоири бўлиш, музикачилик ва турли куйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистлик йиғилган бир шахсни ҳам биз ҳали ёлғиз Ҳақимзода ўртокда кўра оламиз"[22, 58].

Кейинчалик шўро даврида Ҳамза ижодини асосиз равишда қизил мафкурага мослаб ёзилган тадқиқотлар кўпайиб кетди, шу билан бирга мустақиллик йилларига келиб шоир ижоди ўзининг ҳаққоний баҳосини ола бошлади. Бу жабҳада Саъдийнинг адабий обзор жанрида ёзилган мақоласида Ҳамза ҳақидаги фикрлари маълум даражада тўғри эканлиги ҳам кўринади.

Адабий обзорда А.Қодирий ижоди ҳам таҳлилга тортилади. А.Саъдийнинг А.Қодирий ҳақидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқ. У Абдулла Қодирийни ҳикоялар, айниқса, ҳажвий ҳикоялар устаси бўлган ёш ва кучли адиб сифатида характерлайди. Ўзбек адабиётининг юксалишида катта хизмат қилган, бу "талант "Инқилоб" журналида босилган "Ўтган кунлар" романи билан ўзбек адабиётида" роман жанрига асос солди, - деб ёзади.

Шу обзорда - Ботуни "Шеърый адабиётда ҳамон очилиб, гуллаб турган, ўзига кўп умид боғлатган кучли талант",- деб таърифлайди.

Унинг "Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти" мақоласи танқиднинг ҳаётга ва адабиётга юз ўгирганини кўрсатади. "Ўзбек ёш шоирлари", "Ўзбек адабий ижоди майдонида ҳаракат" номли мақолалари давр адабий жараёнига таъсир кўрсатди. Тўғри, уларда адабиёт равнақини ижтимоий иқтисодий ҳаёт билан боғлаш, дунёқараш ва ғоя култи, мафкурабозлик каби қатор камчиликлар, қўмондонбозлик каби иллатлар кўзга ташланса-да, бу масалалар ўз даври учун адабий жараённи, ундаги етакчи тамойилларни, фаол ижод этаётган шоир ва ёзувчи асарларини атрофлича таҳлил этиш, ютуқ , камчиликларини кўрсатиш, янгиликларни аниқлаш ва оммалаштириш жиҳатидан қимматли эди[9, 64].

А.Саъдий турк ва ўзбек адабиёт орасидаги алоқадорликни Чўлпон шеърлар мисолида кўрсатган ҳолда: "Гарчи руҳ ва оҳанг эътибори билан усмонлилар таъсири остида бўлса ҳам, унинг (яъни Чўлпоннинг) ўзига хос маҳсус тил-услуби бор", деб тўғри изоҳлаган эди.

МУҲОКАМА

"Танқид хусусида, умуман адабиёт назарияси ҳақида сўз борганда, биринчи навбатда, бизнинг кўз олдимизга А.Саъдий келади"[12,49], -деб ёзади ХХ асрнинг 20-йиллари адабий танқиди ҳақида фикр юритган адабиётшунос Р.Мажидий. Унинг "бир танқидчи ва адабиёт муаллими сифатида майдонга" чиқишини таъкидлар экан, қуйидаги фикрларини келтиради:"Шарқнинг чиндан уйғониши, чин эрққа, чин маъноси билан янги турмушга чиқиши, ҳам эски бузук турмушдан тамом беизиши учун унга энг биринчи бош таъсир берувчи омил – адабиёт ва шеър, сахна ва театру бўлур.Ўрта асрнинг турмуши ва идорасининг йиқилишига Данте каби адибларнинг сахна асарлари хизмат этганлиги ҳар қайсимизга маълумдир.

Айниқса, гўзал адабиёт ва шеърлар халқнинг ҳиссиёт йўлбошчиларидир, улар бир халқнинг бугун ҳиссиётини истаган ёқларига ҳайдаб, истаган нуқталарига келтириб боғлай оладилар"[12,50]. Гўзал адабиёт ҳақидаги бу қарашлар бугун ҳам оҳорини йўқотмагани намоён бўлади.

Мунаққид "Ўзбекистон ёш шоирлари" обзор мақоласида миллатпарвар ёзувчи ва шоирлар ижодига кенг ўрин беради: "Бехбудий ўзбек адабиётининг отаси, биринчи муҳаррири, Фитрат ёш ўзбек адабиётининг бош олими...Янги усмонли ва Эрон адабиётининг ишқий руҳи билан суғорилган бу ишқий шоир ишқ шеърларига кенг йўл очди. Навоий ва Бобирларда тасаввур пардаси остида яширинган ишқ бўлса, Фитрат шарқнинг дунёвий ишқининг эшигини очиб, хотин-қизларга муҳаббат шеърларини куйлади",-деб ёзади.

Фитратнинг ёш ўзбек адабиётининг бош олими бўлиб саналатургани унинг тили ва услубида кўринади. Унинг ёш ўзбек адабиётининг туғилиши йўлида энг катта хизмати тил ва услубда, чиғатой адабиёти таъсирига қаттиқ сад чекмаганлиги", деб ҳисоблайди. Кўринадики, А.Саъдий Фитрат ижодига тўғри баҳо беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга адабий обзорнинг давр учун қатор етакчи жанрий хусусиятларини тўғри белгилашга интилади. Танқидчи қайси жанрда бўлмасин, ўз асари билан ёзувчига ҳам, ўқувчига ёрдам беради. У объект қилиб олинган асар доирасида қолиб кетмасдан, янги фикрларни ўртага ташлаши, шу фикрлар атрофига ёзувчи ва китобхонларнинг диққатини тортиши керак. А.Саъдийнинг адабий обзорларида айна хусусият устуворлик қилишини келтирган мисолларимиз яққол кўрсатиб турибди.

Танқидчи Кашшоф Треғулов «Нафис адабиёт жабҳамизни соғломлаштириш йўлида» деб номланган обзорда Ш.Сулаймон шеъриятидаги схематик образларни, лирик қаҳрамон ҳаёти тасвирланганда психологик кайфият, руҳий ҳолатни ҳисобга олмаслик, ҳозирги замон нафаси сезилиб турмаслиги каби камчиликларни кўрсатиб ўтади. Шу билан бирга унинг обзорларида ҳам давр билан боғлиқ талай камчиликлар учрайди. Масалан, санъаткорларни озодликка чиққан ўзбек хотин-қизлари образини, қизил аскарлар кийёфасини ёрқин ва чуқур тасвирлашга чақиритиши Фикримизга мисол бўла олади.

ХУЛОСА

Бу давр адабий танқиди ёш бўлишига қарамай адабий-тарихий жараёнда фаол роль ўйнади. Бу давр адабиёти ривожига доир кўпгина асосий масалаларни кўтарди, адабий ҳодилар, ёзувчилар ва уларнинг асарлари ҳақида муҳокам а юргизди, уларга асосан тўғри баҳо берди ва шу йўл билан адабиётнинг тўғри ривожланиб боришига таъсир кўрсатди. Бу жабҳада тақриз, мақола сингари адабий обзор жанри ҳам фаоллик кўрсатди.

Кўринадики, адабий-танқидий обзорлар адабиётни ривожлантиришда, адабий жараёни қизғинлаштиришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга ҳар бир обзор чуқур мантикий илдизга эга бўлиб, асосли, мулоҳаза ва муҳокамалари илмий-назарий жиҳатдан пухта бўлиши зарурлигини шу даврда яратилган обзорлар кўрсатади. Шу боис адабиёт тараққиётига, адабий жараёнга таъсири юқорилиги, адабий танқидчиликда адабий обзорларнинг алоҳида ўринга эгаллиги уларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурлигини яққол кўрсатмоқда.

REFERENCES

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Тошкент. 2008.134 б.
2. Akhmedova Sh., Qahramonov Q. The happiness of true science. Tashkent. "Navruz" .2015.
3. Akhmedova Sh. N. PROGRESS OF PORTRAIT WRITING IN THE PERIOD OF GLOBALIZATION IN LITERARY STUDIES // Russia-Uzbekistan. International educational and socio-cultural technologies: vectors of development. - 2019. - S. 12-14.
4. Akhmedova Sh. N., Norova N. ABOUT DEVELOPMENT AND CHARACTER OF THE GENRE OF REVIEW // International scientific journal. - 2016 .-- P. 37.
5. Axmedova Sh. N. DEVELOPMENT OF PORTRAITS IN UZBEK AND FRENCH LITERATURE // International Journal of Word Art. - 2020. - Т. 6. - №.3.
6. Davronova S. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9). 32. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State
7. Муродов Г. Н. Литературно-художественная общность романов Абдулла Кадири //Вестник Южно-Уральского государственного гуманитарно-педагогического университета. – 2012. – №. 2.
8. Назаров Б. Ўзбек танқидчилиги. Ғоявийлик, метод...Тошкент.1979. 290 б.
9. Назаров Б, Расулов А.,Ахмедова Ш.,Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи. Тошкент. "Тафаккур қаноти". 2012. 354 б.
10. Nasima Saidburxonovna Qodirova, "THE ANALYSIS OF IBRAHIM HAKKULOV IN NEW UZBEK LITERATURE", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 6, no. TITFL, pp. 152-157, Apr. 2021.
11. Norova N. B. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 214-221.
12. Раҳмат Мажидий. Истеъдод ва бурч. Т., 1974. – Б. 49.
13. Саъдий А. Олти йил ичида ўзбек шеърини адабиёти /Туркистон, 1924, 21 июнь.
14. Султонова М.Ижод саҳифалари. Т."Фан".1975. 4-бет.
15. Saidburhonovna K. N., Ne'matovna A. S. Style and skill: Critic's artistic ability //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S3. – С. 1245-1250.
16. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020. 29.
17. Qodirova N. S. SOME CHARACTERISTIC FEATURES, SKILLS AND STYLE OF THE LITERARY CRITIC //Web of Scholar. – 2018. – Т. 5. – №. 2. – С. 32-35.
18. Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna, "WORD USAGE SKILL OF IBRAHIM GAFUROV", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 6, no. TITFL, pp. 180-185, Apr. 2021.
19. Kadirova N. S. CRITICAL STYLE AND GENRE DIVERSITY //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 428-433. 30.
20. Khudoykulova M. A. THE DEVELOPMENT OF THE CONTROVERSIAL ARTICLE GENRE IN THE 20 YEARS OF XX CENTURY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 231-237.

21. Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.
22. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. Тошкент.1987, 1-том.